

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD03/30.09.2019.К/Т.66.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЗОКИРОВ СОЛИЖОН СОДИКЖОНОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРАТ  
КИСЛОТАСИ ВА ОРГАНИК ЭРИТУВЧИЛАР БИЛАН ҚАЙТА  
ИШЛАШ ОРҚАЛИ СУЮҚ СТИМУЛЯТОРЛИ  $\text{NPKCa}$ - ВА  $\text{NPKCa}$ -  
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Зокиров Солижон Содикжонович**

Марказий Қизилкум фосфоритларини нитрат кислотаси ва органик эритувчилар билан қайта ишлаш орқали суюқ стимуляторли NPCa- ва NPKCa- ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Зокиров Солижон Содикжонович**

Разработка технологии получение жидких стимуляторных NPCa- и NPKCa-удобрений путём переработки фосфоритов Центральных Кызылкумов с азотной кислотой и органическими растворителями..... 23

**Zokirov Solijon Sodikjonovich**

Development of technology for obtaining liquid stimulatory NPCa- and NPKCa-fertilizers by processing phosphorites of the Central Kyzyl Kum with nitric acid and organic solvents..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

**List of published works..... 47**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD03/30.09.2019.К/Т.66.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЗОКИРОВ СОЛИЖОН СОДИКЖОНОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРАТ  
КИСЛОТАСИ ВА ОРГАНИК ЭРИТУВЧИЛАР БИЛАН ҚАЙТА  
ИШЛАШ ОРҚАЛИ СУЮҚ СТИМУЛЯТОРЛИ  $\text{NPKCa}$ - ВА  $\text{NPKCa}$ -  
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Т637рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.nammti.uz](http://www.nammti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Дехканов Зулфикахар Киргизбаевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Кучаров Баҳром Хайриевич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим  
**Султонов Боходир Элбекович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона Политехника институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «30» ноябрь соат 14:00 да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7.Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ а-158 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «22» ноябрь № 1 рақамли реестр баённомаси).

**О.К.Эргашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.Ш.Шерқўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**М.М. Собиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.ф.д., PhD

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда, мамлакат иқтисодиётини ривожланишини белгиловчи асосий омил, бу аҳолининг истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ва сифати ҳисобланади. Бунинг учун маҳсулот унумдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш лозим. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва ривожлантиришнинг асосий истиқболларидан бири тупроқларга ишлов беришда энг янги технологияларини жорий этиш, минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларидан комплекс ҳолда фойдаланишга боғлиқ. Сув ресурслари тақчиллиги шароитида, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кескин оширишга ёрдам берувчи, стимуляторлик фаолиққа эга бўлган суюқ ва суспензияли комплекс ўғитлар (СКЎ ва ССКЎ) самарадорлиги юқори, чунки ўғитни томчилатиб суғориш йўли билан ўсимликларга берилганда ўсимликлар ўғитни осон ўзлаштиради, бу муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда СКЎ ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш усулларидан бири фосфат хомашёсини ўстирувчи моддалар билан бойитиш ҳамда заррачаларни чўкишга турғун бўлган суспензияларни ва органик асослар иштирокида нитрат кислотали қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада нитрат кислотали фосфат экстракти (НКФЭ) ва органик асослар, қаттиқ заррачалардан тозаланган аммофос суспензияси асосида бошланғич суспензиянинг мақбул шароитларини топиш, НКФЭ суспензиясини моноэтанолламин, аммофос, аммоний нитрати, калий хлориди ҳамда аминокислоталардан ташкил топган стимуляторлик хоссаларига эга суспензияланган ва шаффоф СКЎ олиш технологиясини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги азотли, фосфорли, калийли ва комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада СКЎ, айниқса стимуляторлик хоссасига эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш, тозаланган аммофос суспензияси, аммоний нитрати, калий хлориди ва моноэтанолламин (МЭА) ларни ва қишлоқ хўжалигида, экинларни баргидан озиқлантириш учун қўлланиладиган стимуляторлар қўшилган СКЎларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup>«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда СКЎ ва суспензияланган СКЎ ларни тажриба-саноат миқёсида синаш ва ишлаб чиқариш бўйича илмий-тадқиқот ишларини камраб олган катта ҳажмдаги маълумотлар базаси мавжуд.

Дунёда L.T.Herbert, S.S.Lanyi, R.Slinksiene, C.James, Г.Панаётова, В.Н.Мищенко, А.Г.Степченко, О.Б.Дормешкин, Н.Travis, Т.М.Bhatti, W.P.Kennedy, K.W.Keenan, С.П.Кочетков, М.Е. Позин, Л.Н.Эрайзерлар СМУ олиш технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва улар томонидан 70%  $P_2O_5$  ва ундан юқори бўлган полифосфат ҳамда 54-55%  $P_2O_5$  ортофосфат кислоталарини босқичли аммонийлаштириш асосида 10:34:0, 11:37:0 ва 8:24:0 навли маҳсулотлар олинган.

Бизнинг шароитимизда фосфат хомашёсининг нитрат кислотали парчаланиши маҳсулотлари ва аммофос ишлаб чиқариш ярим маҳсулоти асосида СКЎ ни олиш қизиқиш уйғотади.

С.М.Таджиев, Р. Ражабов ва М.М.Собировлар томонидан элементар олтингургурт иштирокида Қизилқум фосфоритини нитрат кислотасининг тўлиқ бўлмаган меъёри билан парчалаб фунгицидли хоссага эга суспензияланган СКЎ олинган. Натижада энг кўп миқдордаги сувда эрмайдиган, бироқ ўзлашувчан шаклдаги фосфор пентоксиди тутган суспензиялар олинди. А. М. Реймов ва Д. Ш. Шеркузиевлар Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотанинг кам меъёри билан ишлов бериб НКЭ ни қаттиқ ва суюқ фазага ажратиш, сўнгра суюқ фазага аммиакли селитра, КАС, карбамид ва калий хлоридларни кўшиш йўли орқали паст навли  $P_2O_5$  таркибли суюқ ўғитлар олишга муваффақ бўлишган. Бироқ жараён нисбатан қийин, бундан ташқари, маҳсулотларда физиологик фаол моддалар йўқ.

Шусабабли, бир вақтнинг ўзида юқори карбонатли Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотали қайта ишлаш ва моноэтаноламин билан нейтраллаш, ҳамда суспензияни сезиларли даражада турғунлигини оширадиган СМУ ва СКЎ ларнинг агрокимёвий самарадорлигини яхшилайдиган турли хил стимуляторлар кўшиб мураккаб суспензияланган NРСа- ва NРКСа-ўғитларини олиш тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-А12-Т171 «Марказий Қизилқум фосфоритларини кимёвий бойитишнинг самарадор, ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва юқори концентрацияли фосфорли ўғитлар олиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотасининг фосфатли экстракти, моноэтанолламин, минерал ўғитлар ва стимулятор асосида стимуляторлик фаоллигига эга мураккаб азот-фосфор-кальцийли ва азот-фосфор-калий-кальцийли суюқ ўғитлар олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Марказий Қизилқум (МК) фосфоритларининг турли навларини нитрат кислотада парчаланиш коэффициентини ва НКФЭ таркибини аниқлаш;

НКФЭ реологик хоссаларининг нитрат кислота меъёри ва ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш;

эримайдиған қолдиқ ва НКФЭ нинг тиниқ қисмини кимёвий ва минералогик таркибини аниқлаш;

нейтралланған НКФЭ нинг хомашё турига, нитрат кислота меъёри, ҳарорат ва рН муҳитига боғлиқ равишда буғ босими ва кристалланиш ҳароратини ўрганиш;

СКЎ бошланғич суспензиясига тозаланған аммофос бўтқаси эритмаси, аммоний нитрати ва калий хлориди қўшиш йўли орқали суспензиялаштирилған NPCa- ва NPKCa- ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш;

суспензиялаштирилған NPCa- ва NPKCa- ўғитларнинг реологик хоссаларини озуқа компонентларига нисбати ва ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш;

ацетилен спирти асосида Фаворский ва Манних реакциялари ёрдамида кинетик қонуниятларни ўрнатған ҳолда аминоспиртли стимуляторларни синтез қилиш жараёнини тадқиқ қилиш;

янги турдаги суспензиялаштирилған мураккаб ўғитларнинг реологик ва товар хоссаларини ҳамда уларнинг турғунлигини аниқлаш;

стимулятор 1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 ни олиш жараёнининг блок-схемасини ишлаб чиқиш, материал балансини тузиш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

СКЎ бошланғич суспензиясига азотли, фосфорли, калийли 1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 ва аммофос бўтқасининг тозаланған эритмасини қўшиш орқали суспензиялашған NPCa- ва NPKCa- ўғитлар, шунингдек тиниқ NP- ва NPK-ўғитлар олиш жараёнининг технологик схемасини ишлаб чиқиш, материал оқимини тузиш ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

«Ifoda agro kimyo himoya» МЧЖ да суспензиялаштирилган мураккаб NРСа- ва NРКСа -ўғитларнинг синов тажрибаларини ўтказиш;

«Ifoda agro kimyo himoya» МЧЖ да стимулятор ва стимуляторлик фаолликка эга суюқ тиниқ мураккаб NР- ва NРК- ўғитларни олиш жараёнлари параметрларини текшириш ва махсулотларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қизилқум фосфоритлари, нитрат кислота, моноэтанолламиннинг моноэтанолламин фосфати, ацетилен спирти ва аминоспирт, ацетиленли моноамин, аммоний нитрат, аммофос ва калий хлорид, стимуляторлик фаолликка эга NРСа- ва NРКСа-ўғитлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни фосфорит уни, ювиб қуритилган концентрат, ювиб куйдирилган концентратларни нитрат кислотанинг тўлиқ меъёрларида парчалаш, парчаланмайдиган қолдиқни ажратиш, НКФЭ тиниқ қисмини моноэтанолламин ёрдамида нейтраллаш, аммофос бўтқасини тозалаш жараёни, шунингдек СКЎ бошланғич суспензияси, аммофос суспензияси, аммоний нитрат, калий хлорид ва 1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 стимулятори ёрдамида стимуляторлик фаолликка эга иккиламчи ва учламчи СКЎ ларнинг таркиби ва хоссаларини аниқлашни ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида кимёвий, рентгенографик, ИҚ-спектроскопик ва ПМР-спектроскопия тадқиқот усуллари ҳамда агрокимёвий синовлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

нитрат кислота фосфат экстрактини, моноэтанолламин билан нейтраллаш орқали таркибида ўстирувчи моддалар билан бойитилган СКЎ олиш учун бошланғич эритмани тайёрлашнинг мақбул режими аниқланган;

нитрат кислотали фосфат экстрактининг моноэтанолламин компонентларининг ўзаро таъсирлашув механизми топилган, натижада суспензия бутун хажм бўйлаб гомогенликни ва қатламга ажралишини сақлаши аниқланган;

рентгенографик ва ИҚ-спектроскопик усуллари ёрдамида СКЎ бошланғич суспензиясидан ажратиб олинган оқ енгил ивикни таркиби аниқланган;

СКЎ бошланғич суспензиясига азотли, фосфорли, калийли тузлар ва 1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 ни қўшиш орқали стимуляторлик фаолликка эга суюқ NРСа- ва NРКСа-ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

тозаланган аммофос эритмасига азотли, калийли тузлар ва 1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 ларни қўшиш орқали стимуляторлик фаолликка эга суюқ ҳамда тиниқ NР- ва NРК-ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқилган;

аммофоснинг тозаланган эритмасига азот, калий тузлари ва 1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 қўшиб стимуляторлик фаолликка эга суюқ тиниқ NР- ва NРК-ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Лаборатория тажрибалари ва “Ifoda agro kimyo himoya” МЧЖ қурилмасида Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан



чиқинди моноэтанолламин иштирокида парчалаш жараёнининг асосий технологик кўрсаткичлари аниқланган;

стимуляторли СКЎ ғалла ва пахтанинг ўсишига, ривожланишига ва ҳосилдорлигига таъсир кўрсатиши кенг агрокимёвий синовлар ёрдамида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари натижалари лаборатория тажрибалари, тажриба-саноат ва агрокимёвий синовлар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти моноэтанолламин билан нейтралланган НКФЭ тиниқ қисми, аммоний нитрат, аммофос, калий хлорид ва 1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 стимулятори асосида барқарор NРСа- ва NРКСа- ўғитлар суспензияларининг таркиб ва хоссалари орасидаги қонуният аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган технология қишлоқ хўжалигини кам учувчан ва узок муддатли сақлашда физик-кимёвий хоссалари ўзгармайдиган суспензиялашган NРСа- ва NРКСа-ўғитлар билан таъминлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши.**

Стимуляторлик фаолликка эга суспензиялаштирилган СКЎлар олишнинг рационал ишлаб чиқилган технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4 биостимуляторини олиш технологияси асосида “Ifoda agro kimyo himoya” МЧЖ да ишлаб чиқарилган биостимуляторли суюқ комплекс ўғитлар “Дон-дуккакли экинлар ИТИ Наманган илмий-тажриба станцияси”нинг дала тажриба майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги 02/025-996-сон маълумотномаси). Натижада, йиллик режага нисбатан таркибида биостимулятор билан бойитилган NРКСа ли комплекс суюқ ўғит билан ишлов берилган майдонлардаги буғдойнинг “Бобур” навли ва ғўзанинг С-8295 нави синовдан ўтказилган бўлиб, буғдой ва пахта ҳосилини 8-10 центнергача оширишга имконини берган;

юқори самарали NРКСа олиш технологияси “Ifoda agro kimyo himoya” МЧЖ да амалиётга жорий этилган (“O’zagrokimyo himoya” АЖ нинг 2021 йил 29 январдаги 01-09/14-сон маълумотномаси). Натижада, янги суспензияли комплекс ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш ва интенсификациялашда фойдаланиш, суспензияли комплекс ўғитларга биостимулятор (1-моноэтанолламиногептин-2-ол-4) қўшиш орқали ўғитнинг сувда эрувчанлигини янада ошириш, ўғит сарфини 35-40% гача қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 1 та монография, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фосфат хомашёларини нитрат кислотаси билан суспензиялашган суюқ комплекс ўғитларга қайта ишлаш йўллари**» деб номланган биринчи бобида дунёда фосфат хомашёларини ҳолатининг шарҳи баён этилган, МҚ фосфоритларининг хусусиятлари ва уларни нитрат кислотада қайта ишлашни баҳолаш келтирилган. Суюқ комплекс ўғитларни жаҳон компаниялари томонидан ишлаб чиқарилиш ҳолати, афзаллиги ва ушбу турдаги ўғитларнинг гербицид, инсектицид, микроэлементлар ҳамда ўстирувчи моддалар билан ўсимлик илдизи ва барги орқали қўллаш шароитида мослашувчанлиги баён қилинган. Ацетилен спирти ва этиламинлардан маълум усуллар ёрдамида ўсимликларни ўстирувчи стимуляторларни синтез қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектлари ва физик-кимёвий таҳлил усуллари**» деб номланган иккинчи боби МҚ фосфоритлари, моноэтанолламин, аммоний нитрат, аммофос ва калий хлориднинг физик-кимёвий ва техник хоссаларига бағишланади. Тажриба ўтказиш усули ва дастлабки хомашё ҳамда маҳсулотларнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссалари таҳлиллари ёритилган.

Фосфорит, нитрат кислотали фосфат экстракти, азотли ва калийли қўшимчалар, СКЎ лар озуқа компонентларининг кимёвий таҳлиллари маълум усулларда олиб борилди. СКЎ нинг рН ЭВ-74 иономериди ўлчанди. СКЎнинг зичлиги пикнометрик, қовушқоқлик кинематик усуллар ёрдамида аниқланди. СКЎ нинг тўйинган буг босими динамик усулда амалга оширилди.

Стимулятор олиш учун ацетилен спирти (АС) 3-метилбутин-1-ол-3 ва гексин-1-ол-3, аминоспиртлар ва моноаминлар синтез қилиш услуби келтирилган. Синтез қилишда диметил кетон (Ацетон), н-мой альдегид, дифениламин, дибензиламин, моноэтанолламин, диэтанолламинлардан

фойдаланилди. Шунингдек, – диэтил эфир, диоксан, хлороформ, этил спирти, диметилсульфоксид органик эритувчиларидан ҳам фойдаланилди. Ишда хроматографик ГЖХ “ЛХМ-80-МД” дан, ИК- спектрофотометр “Specord-75, "VARIAN XL –400В даги ПМР тадқиқот усулларида кенг фойдаланилган.


Диссертациянинг «СКЎ бошланғичли суспензияси, аммофос, аммоний селитраси ва калий хлориди, шунингдек ўсимликларни ўстирувчи стимуляторлар асосида суюқ суспензиялашган  $\text{NPKCa}$ - ва  $\text{NPKCa}$  - ўғитлар» деб номланган учинчи бобида таркиблари 1-жадвалда келтирилган Марказий Қизилиқум фосфоритларининг турли навлари бойитилмаган фосфорит уни (БФУ), ювиб қуритилган фосконцентрат (ЮҚФК) ҳамда ювиб қуритилган ва куйдирилган фосконцентрат (ЮКФК) ларнинг нитрат кислотада парчалаш тадқиқотларига бағишланган.

1-жадвал

**Қизилқум фосфоритларининг кимёвий таркиби**

Фосфат хомашёси турлари	Компонентлар миқдори, оғир.. %									CaO:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	MgO	F	CO <sub>2</sub>	SO <sub>3</sub>	н.о.	
БФУ	18,70	47,52	0,95	0,73	1,79	2,0	17,23	3,27	5,27	2,54
ЮҚФК	26,08	51,47	1,02	0,31	0,89	3,41	9,95	1,59	2,49	1,92
ЮКФК	25,62	52,17	1,15	0,63	1,20	2,27	2,10	1,34	6,78	2,04

Турли хил МК фосфоритларини нитрат кислотасининг 80-120% стехиометрик меъёри, 40°С ҳарорат ва 30 мин вақтдаги парчаланиш коэффициенти ( $K_{нар.}$ ) билан аниқланган парчаланиш тадқиқот натижалари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Парчаланиш коэффицентининг 40°С ва 30 мин даги кислота меъёри ва хомашё турига боғлиқлиги

1-расмдан кўриниб турибдики, хомашё турига боғлиқ равишда нитрат кислотанинг CaO га нисбатан 80-120% оралиқларидаги стехиометрик меъёрлари мос равишда БФУ, ЮҚФК ва ЮҚФК  $K_{нар}$  ни 84 дан 99 гача, 82 дан 96 гача ва 80 дан 92% гача ортишига олиб келган. Кислота меъёрнинг кейинчалик ортиб бориши хомашё  $K_{нар}$  га деярли таъсир кўрсатмади. Бу ҳолат фосфат минерали кристал структурасидаги кислотада эримайдиган вольфрам оксиди, шунингдек силикатфосфат бирикмаларининг (ЮҚФК) ҳосил бўлиши билан тушунтирилади. Барча уч хилдаги хомашё турлари БФУ, ЮҚФК ва ЮҚФК ларнинг нитрат кислотали фосфат экстракти (НКФЭ) нинг кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### НКФЭ кимёвий таркибининг фосфат хомашёси турига ва нитрат кислота меъёрига боғлиқлиги

№	HNO <sub>3</sub> , мик- дори г	HNO <sub>3</sub> , меъёри, %	Компонентлар миқдори, %					
			P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	MgO	N
<b>БФУ</b>								
1	38,96	80	8,90	11,79	0,053	0,043	0,10	5,16
2	43,83	90	9,64	12,56	0,060	0,049	0,12	5,80
3	51,12	110	4,45	11,25	0,082	0,063	0,29	6,68
4	56,00	120	4,25	8,79	0,110	0,120	0,32	7,06
<b>ЮҚФК</b>								
1	42,00	80	8,60	10,92	0,381	0,116	0,09	6,03
2	47,25	90	9,08	12,50	0,429	0,131	0,11	6,78
3	55,12	110	6,11	15,75	0,612	0,186	0,15	6,79
4	60,37	120	6,00	11,88	0,971	0,264	0,18	7,52
<b>ЮҚФК</b>								
1	41,40	80	8,77	10,66	0,163	0,125	0,11	5,16
3	46,57	90	9,87	12,24	0,183	0,141	0,13	5,80
2	54,33	110	6,08	11,92	0,168	0,129	0,16	6,27
4	59,51	120	5,97	12,72	0,76	0,57	0,20	7,57

Жадвалдан кўриниб турибдики, нитрат кислота меъёрини 80 дан 120% гача ортиши бир томондан НКФЭда азот миқдорининг ортишига, иккинчи томондан эса P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва CaO миқдорининг камайишига олиб келади. Масалан, БФУ парчаланганда N 5,16 дан 7,06% гача ўсиши ва P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> 8,90 дан 4,25% гача ва CaO 11.79 дан 8.79% CaO гача пасайиш кузатилади.

Тадқиқот натижаларидан аниқландики, мақбул шароит сифатида нитрат кислотанинг 80-95% ҳамда хомашё - ЮҚФК деб қабул қилинди.



ЮҚФК ни нитрат кислотанинг 90% меъёрида парчаланишидан олинган НКФЭ нинг туз таркиби 29,80% калций нитратдан, 0.28% магний нитрат ва 43,63% сувдан ташкил топганлиги аниқланди.

Кислотанинг мақбул меъёри 90 % да ва 20-40°C ҳарорат оралиғида мос равишда 1,24 -1,20 г/см<sup>3</sup> ва 1,80-1,69 сПз зичлик ва қовушқоқликка эга. Бу кўрсаткичлар НКФЭ ни бир қурилмадан иккинчи қурилмага ташишнинг мақбуллигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида нитрат кислотанинг 80-120% стехиометрик меъёрларида олинган ва эримайдиган қолдиғи ОПН-80 центрифугада (Россия) ажратиб олинган НКФЭ асосида СКЎ бошланғич эритмаси ўрганилди. Суюқ фаза хомашё турига қараб БФУ ва ЮҚФК ларда очик тўқ сарик рангдан шаффоф ранггача бўлган суюқликни намоён қилади.

Шундай қилиб, СКЎ бошланғич эритмаси моноэтаноламиннинг 50% ли эритмаси билан интенсив арлаштирилиб рН 3,0-3,2 гача нейтралланди. Шуни таъкидлаш керакки, узоқ вақт давомида (бир неча ой) асосий СКЎ эритмасининг бутун ҳажми бўйича барқарор оқ суспензия ҳосил бўлади.

Нитрат кислотали фосфат экстрактини моноэтаноламин билан нейтралланганда фосфат кислотаси, монокальцийфосфат, кальций нитрати ва моноэтаноламин ўртасида таъсирлашув содир бўлиб суюқ азотфосфоркальцийли суспензия қуйидаги реакция бўйича содир бўлади:



Натижада дикальцийфосфат, кальций нитрати ва моноэтаноламин фосфатдан иборат суспензия ҳосил бўлади.

Нитрат кислотанинг мақбул 90% стехиометрик меъёрида ЮҚФК дан таркиби (оғир.%): 8,18 P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>; 11,48 СаО; 7,86 N; 0,43 Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>; 0,13 Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>; 0,11 MgO ва рН 3,2 бўлган СКЎ нинг бошланғич эритмаси олинди.

НКФЭ суюқ фазасини моноэтаноламин билан нейтралланиши асосида олинган СКЎ бошланғич эритмаси асосининг реологик хоссалари БФУ ва ЮҚФК учун нитрат кислота меъёрлари 80-120% ҳамда 20-60°C ҳароратларда ўрганилди.

Кислотанинг мақбул меъёри 90% да ЮҚФК дан олинган СКЎ бошланғич эритмаси 20-60°C ҳарорат оралиқларида мос равишда 1,534 -1,501 г/см<sup>3</sup> ва 39,20 - 21,39 сПз га эга.

НКФЭ дан ажратиб олинган эримайдиган қолдиқ ва МЭА билан рН=3,2 гача нейтралланган СКЎ бошланғич суспензиясидан ажратиб олинган энгил оқ ивиқ нимадан ташкил топгани қизиқиш уйғотади. Шу муносабат билан рентген ва ИҚ-спектроскопик текширув усуллари қўлланилди.


Бунинг учун ЮҚФК ни нитрат кислотанинг мақбул меъёри 90% ларида олинган НКФЭ ва СКЎ бошланғич суспензияси 550-600 мм сим.уст. вакууми остида Бюхнер воронкасида диаметри 5,5 см бўлган фильтр қоғознинг бир қатламидан ўтказиб филтрланди. Филтрда қолган чўкмалар қоғоз билан бирга 60°C да қуритиш шкафида қуритилди.

Эримайдиган қолдиқнинг рентгенограммасида 11,63; 5,98 ва 2,99; 2,94; 2,24 Å чўққилари монокальцийфосфат ва дикальцийфосфат қолдиқларига 3,87 ва 3,10 Å чўққилари эса гипсга тегишлилиги аниқланди.


2-расмдан кўринадикки, оқ ивиқ намунасида дикальцийфосфатнинг дифракцион максимуми 6,50; 2,77; 2,61; 2,46 Å яққол намоён бўлган. Шунингдек, рентгенограммада аммиакли селитра ҳосил бўлишини гувоҳлик берувчи 3,38, 3,22, 2,90, 2,71, 1,83 ва 1,70 Å чизиқлар ҳам кўрсатилган.

Кейинги натижалар 3-расмда кўрсатилганидек ИҚ-спектрлар асосида олинган. –ОН гуруҳи ютилиш чизиқлари 3410 см<sup>-1</sup> да валент тебранишларига, 1450 см<sup>-1</sup>, 601 см<sup>-1</sup> ва 599 см<sup>-1</sup> да деформацион тебранишларга, -С = С- гуруҳ ютилиш чизиқлари 1627 см<sup>-1</sup> да валент тебранишларига, 1821 см<sup>-1</sup>, 1734 см<sup>-1</sup> да деформацион тебранишларга, –С– О– гуруҳ ютилиш чизиқлари 1022 см<sup>-1</sup> да валент тебранишларга, = СН– гуруҳ ютилиш чизиқлари 3040 см<sup>-1</sup> да валент тебранишларга, 1327 см<sup>-1</sup> да деформацион тебранишларга эга бўлса, –СН<sub>2</sub>– гуруҳи ютилиш чизиқларининг валент тебранишлари 1425 см<sup>-1</sup> тўлқин чизиғида намоён бўлган.

ИҚ-спектр натижалари 1000-1100 см<sup>-1</sup> ни реакция натижасида ҳосил бўлган моноэтаноламин фосфатни намоён қилувчи органик моддадаги -РО<sub>4</sub><sup>3-</sup> га тегишлилигини тасдиқлайди.



**2-расм. ЮҚФК нинг нитрат кислотали экстракти суюқ фазасини нейтраллашдан ҳосил бўлган СКЎ бошланғич суспензиясидан олинган оқ ивиқ рентгенограммаси.**



**3-расм. ЮҚФК нинг нитрат кислотали экстракти суюқ фазасини нейтраллашдан ҳосил бўлган СКЎ бошланғич суспензиясидан олинган оқ ивиқ ИҚ-спектри.**

БФУ, ЮҚФК ва ЮКФК ларининг НКФЭ нейтралланган суёқ фазасидан олинган СКЎ бошланғич эритмасининг тўйинган буғ босими ўрганилган. Тадқиқ қилинаётган СКЎ ларнинг тўйинган буғ босими 293-343К ораликларида 19,82-2,66 кПа га эга бўлиб, бу иссиқ иқлимда уларнинг кам учувчанлигини билдиради. СКЎ ларнинг кристалланиш ҳарорати -15 дан -42°С гача ўзгаради. Натижада, паст кристалланиш хароратига эга бўлган СКЎ лар ўзининг физик-кимёвий хоссаларини ўзгартирмасдан узоқ вақт давомида сақланишини таъминлайди.

Бундан ташқари, нейтралланган НКФЭ нинг бошланғич эритмасига асосланган СКЎ, аммоний нитрат ва аммофос пулпасининг тозаланган эритмасидан суспензияли NPCa- ўғитларини олиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

СКЎ бошланғич эритмаси ЮҚФК ни нитрат кислотанинг 90% меъёрида парчалаб, кейин НКФЭ ни қаттиқ ва суёқ фазаларга ажратиш йўли орқали олинди. Суёқ фаза моноэтаноламиннинг 50% эритмаси билан нейтралланди ва унга аммофос бўтқасининг тозаланган эритмаси қўшилди. Сув миқдори барча суспензия таркибида 43% қилиб ушлаб турилди. Бунда СКЎ бошланғич эритмаси : Аммофос масса нисбати 4:1 ва 5:3 кенг ораликларида ўзгартирилди. Аммоний нитрати ва аммофос асосидаги СКЎ кимёвий таркибини аниқлаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Моноэтаноламин ва тозаланган аммофос бўтқасининг эритмаси билан, нейтралланган нитрат кислота экстрактининг суёқ фазаси асосидаги СКЎ нинг кимёвий таркиби, %

№	СКЎ:Аммофос нисбатлари	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	MgO	Ca(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	Mg(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>
1	4:1	8,93	12,18	12,12	0,08	35,51	0,49
2	4:2	9,33	15,42	10,25	0,05	30,03	0,185
3	4:3	10,21	18,11	8,22	0,03	24,08	0,111
4	1:1	13,32	22,92	7,20	0,06	21,10	0,222
5	5:1	9,39	11,75	12,38	0,07	36,27	0,259
6	5:2	10,77	14,48	11,65	0,04	34,13	0,148
7	5:3	11,55	17,85	8,66	0,02	25,37	0,074

Жадвалдан кўриниб турибдики, СКЎ : Аммофос = 4 : 2 нисбатидаги суспензия таркибида 9,33% азот (N), 15,42 % фосфор (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) ва 10,25% кальций (CaO) мавжуд. СКЎ да аммофос миқдорининг ортиб бориши табиий равишда фосфор миқдорини ортиб боришига сабаб бўлади. Масалан, СКЎ : Аммофос

нисбатнинг 4 : 1 дан 1:1 гача ортиб бориши билан  $P_2O_5$  миқдори 12,18 дан 22,95% гача ошиб боради. Суспензия таркиби 1:1 нисбатда 13,32% азот, 22,92% фосфор ва 7,20% кальцийга эга.

4-жадвалда СКЎ : Аммофос нисбатига боғлиқ равишда суспензиялашган НРСа- ўғитларнинг кимёвий таркиби келтирилган.

Жадвал натижалари шуни кўрсатиб турибдики, N:  $P_2O_5$  : CaO ва СКЎ : Аммофос нисбатлари таркибида боғлиқ равишда олинган маҳсулотлар 8,93 дан 17,27% гача азот, 6,82 дан 11,91% гача  $P_2O_5$  кўринишдаги фосфор, шунингдек 2,28 дан 5,12% гача CaO тутган. Айти пайтда  $P_2O_5$  нинг нисбий ўзлашувчан ва сувда эрувчан қийматлари мос равишда 96,97-98,51 ва 87,68-93,23% ораликларида бўлади.

Бу ўғитларнинг туз таркиби аниқланган бўлиб, масса нисбатлари 4:3 ва 1:1 бўлган бошланғич суспензиядан олинган СКЎ туз таркиби озуқа компонентларининг нисбатларига қараб асосан мос равишда 15,72-13,81% ва 8,47-7,46% кальций нитрати, 0,85-0,71% ва 0,41-0,33% магний нитрати, 16,88-18,98% ва 28,88-31,80% аммоний нитрати ва 22,23-24,35% ҳамда 16,12-17,33% аммофосдан иборат.

#### 4-жадвал

### СКЎ бошланғич суспензияси, аммофос ва аммоний нитрати асосидаги суспензиялашган НРСа-ўғитларнинг кимёвий таркиби, %

N: $P_2O_5$ : CaO	N	$P_2O_5$	CaO	$P_2O_5$ ўзл. лим. к-та бўйича	$P_2O_5$ сув.	$P_2O_5$ ўзл.: $P_2O_5$ сумм. лим. к-та бўйича, %	$P_2O_5$ сув.: $P_2O_5$ сумм. %
СКЎ:Аммофос=4:1 нисбатида							
1:1:0,5	8,93	9,18	5,12	8,66	7,83	96,97	87,68
2:1:0,5	11,72	6,29	4,81	6,13	10,82	97,45	92,32
3:1:0,5	15,12	5,13	3,14	5,01	14,03	97,66	92,80
СКЎ:Аммофос=2:1 нисбатида							
1:1:0,5	10,33	10,42	5,05	10,18	9,19	97,69	88,19
2:1:0,5	12,34	6,66	4,68	6,51	6,19	97,74	92,94
3:1:0,5	15,49	5,73	3,27	5,60	5,28	97,73	92,15
СКЎ:Аммофос=4:3 нисбатида							
1:1:0,5	11,67	11,91	4,22	11,42	10,67	97,85	89,58
2:1:0,5	14,42	7,21	3,91	7,10	6,70	98,47	92,92
3:1:0,5	16,38	6,93	3,56	6,81	6,36	98,27	91,77
СКЎ:Аммофос=1:1 нисбатида							
1:1:0,5	12,32	11,75	3,98	11,51	10,52	97,95	85,39
2:1:0,5	15,78	7,39	3,30	7,28	6,89	98,51	93,23
3:1:0,5	17,27	6,82	2,28	6,70	6,27	98,24	91,93

Бунда СКЎ озуқа компонентларининг умумий қиймати (N+ $P_2O_5$ +CaO) СКЎ : Аммофос = 4:3 ва 1:1 бўлган нисбатларда мос равишда 25,54 дан 27,80% гача ва 26,77 дан 28,05% гача ташкил этади.



Суспензиялашган NPKCa-ўғитларининг реологик хоссалари 10-50°C ҳарорат ораликларида 1,384 г/см<sup>3</sup> ва 29,32 сПз дан катта бўлмаган зичлик ҳамда қовушқоқликка эга бўлиб, ишлаб чиқариш шароитлари учун жуда мақбул ҳисобланади. Барча ўрганилган озуқа компонентларининг масса нисбатларининг кристалланиш ҳарорати -4 дан -19 °С гача бўлган ораликларда ётади.

Учламчи муракаб суспензиялашган NPKCa – ўғитларини олиш учун ЮҚФК нитрат кислотанинг 90% меъёрида парчалаб олинган СКЎ нинг бошланғич суспензиясида аммоний нитрати, аммофос бўтқасининг тозаланган эритмаси ва калий хлоридининг ҳисобланган миқдори 75-85°C ҳароратда 10-15 мин давомида эритилди. Тайёр маҳсулот сифатидаги ҳосил бўлган бир жинсли суспензия доимий аралаштирган ҳолда 20-25°C ҳароратгача совутилди.

Тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

### 5-жадвал

#### СКЎ бошланғич суспензияси, аммофос, аммоний нитрати ва калий хлориди асосидаги муракаб суспензиялашган NPKCa –ўғитларининг кимёвий таркиби, %

N: P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> :K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	K <sub>2</sub> O	MgO	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>ўзл.</sup> лим. к-та бўйича	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>сув.</sup>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>ўзл.</sup> :P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>умум.</sup> лим. к-т бўйича, %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>сув.</sup> :P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>умум.</sup> %
СКЎ:Аммофос=4:1 нисбатида									
1:1:1	6,75	6,92	10,71	6,11	0,21	6,45	5,89	93,20	85,11
2:1:1	10,21	5,90	8,37	5,15	0,12	5,52	5,05	93,56	85,59
3:1:1	13,11	4,83	6,91	4,42	0,07	4,55	4,11	94,20	85,09
СКЎ:Аммофос=2:1 нисбатида									
1:1:1	7,62	7,12	8,37	7,32	0,19	6,81	6,22	95,64	87,36
2:1:1	11,31	6,80	5,01	6,11	0,10	6,52	6,01	95,82	88,38
3:1:1	14,29	5,93	3,84	5,73	0,06	5,70	5,26	96,12	88,83
СКЎ:Аммофос=4:3 нисбатида									
1:1:1	8,39	8,14	5,09	8,41	0,15	7,91	7,22	97,17	88,69
2:1:1	12,87	6,04	3,49	6,24	0,09	5,80	5,38	96,02	89,90
3:1:1	15,69	5,09	2,65	5,19	0,06	4,86	4,52	95,48	88,80
СКЎ:Аммофос=1:1 нисбатида									
1:1:1	9,11	9,71	3,95	9,71	0,13	9,50	8,91	97,83	91,76
2:1:1	13,16	6,58	2,67	6,58	0,08	6,41	6,04	97,41	91,79
3:1:1	16,22	4,97	2,02	4,97	0,04	4,85	4,52	97,58	90,94

Жадвалдан кўришиб турганидек, СКЎ : Аммофос ва N : P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> : K<sub>2</sub>O нисбатларга боғлиқ равишда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нинг нисбий ўзлашувчанлиги ва сувда эрувчан миқдори юқори бўлган, меъёрлаштирилган суспензияли NPKCa-ўғитлар олинди. Масалан, СКЎ : Аммофос = 4 : 1 ва 1 : 1 ва доимий N: P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O (1:1:1) нисбатларда 6,75-9,11% N; 6,92-9,71 P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>; 6,11-9,71 K<sub>2</sub>O; 10,71- 3,95 CaO таркибга эга ва мос равишда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нинг нисбий ўзлашувчанлиги ва сувда эрувчан миқдори мос равишда 93,20-97,83 ва 85,11-91,76% га эга бўлган СКЎ намуналари олинди.

NPKCa- ўғитларининг 10-20°C ҳарорат оралиқларидаги зичлиги ва қовушқоқликлари мос равишда 1,308 г/см<sup>3</sup> ва 30,59 сПз дан ошмайди. Улар мавжуд қурилмалар билан узатишда ҳеч қандай қийинчиликлар туғдирмайди.

NPKCa- ва NPKCa- ўғитларнинг агрохимёвий самарадорлигини ошириш мақсадида ўсимликларни ўстирувчи стимулятор сифатида 1-моноэтаноламиногептин-2-ол-4 синтез қилинди.

Келтирилган натижаларга кўра, ҳарорат пасайганда жараён тезлиги ҳам, АС ҳосил бўлиши ҳам ортади, буни ҳарорат пасайганда реакция муҳитида ацетиленнинг эрувчанлиги пропорционал ошиши билан изоҳлаш мумкин. Диметил кетоннинг 0 ва -5°C да этилланиши сезиларли даражада секинлашади. Ҳароратнинг -10 °C гача пасайиши реакция тезлигини сезиларли даражада ошишига олиб келади ва спиртнинг чиқиши 12,2-32,1% оралиғида бўлади, -20°C ҳароратда эса АС чиқиши унуми (38%гача) ортади. Барча ҳолатларда ҳам вақтнинг давомийлигига қараб, реакция маҳсулотнинг унуми ортади.

Стимулятор 1-моноэтаноламиногептин-2-ол-4 синтезининг материал баланси ва иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди ва технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Синтез қилинган ацетилен спиртлари, аминоспиртлар ва ацетилен моноаминлари уруғнинг униб чиқишини назоратга нисбатан 8,0-9,0% га ошишига ва ниҳолларнинг дала шароитида ўсиши ва ривожланишини 2-3 суткага тезлашишига ёрдам берди. Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 3,6-4,1 ц/га ортади.


Диссертациянинг «**Стимуляторлик фаолликка эга суспензиялашган комплекс ўғитларни олишнинг технологик ишланмалари**» деб номланган тўртинчи бўлимида лаборатория модел қурилмасида стимуляторлик хоссаларга эга суспензиялашган NPKCa- ва NPKCa- ўғитларини, шунингдек NP- ва NPK- ўғитларни аммофос, аммоний селитраси ёки карбамид, калий хлориди ва 1-моноэтаноламиногептин-2-ол-4 кўшиш орқали СКЎ олиш технологиясининг ишланмалари ва натижалари келтирилган.

Лаборатория тажрибалари ва «Ifoda agro kimyo himoya» МЧЖ тажриба қурилмасида ўтказилган синов натижалари асосида Марказий Қизилқум фосфоритлари ишлатилган, моноэтаноламин иштирокида нитрат кислотада парчалаш жараёнининг технологик кўрсаткичлари аниқланди. Стимуляторлик

фаолликка эга суюқ суспензиялашган ва тиниқ комплекс ўғитларни ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ҳисобланди ва принципиал технологик тизими тавсия этилди.

Суспензиялашган NPCa- ва NPKCa- ўғитлар ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси 4-расмда келтирилган.

Синов мобайнида суспензиялашган NPCa- ва NPKCa- ўғитлар  $N:P_2O_5=1:0,7$  ( $N_{\text{умум.}} - 13,03$ ;  $P_2O_{5\text{умум.}} - 10,69$ ;  $P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}} = 99,67$ ;) ва  $N:P_2O_5:K_2O = 1:0,7:0,5$  ( $N_{\text{умум.}} - 12,84$ ;  $P_2O_{5\text{умум.}} - 9,21$ ;  $K_2O - 5,62$ ;  $P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}} = 99,19$ ) навларининг ҳар биридан 100 кг миқдорида тажриба партиялари ишлаб чиқилди.



**4-расм. Стимуляторли суюқ NPCa- ва NPKCa –ўғитлар ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси**


1 - бункер; 2 - дозатор; 3 -реактор; 4 – нитрат кислота учун махсус идиш; 5,10,16, 23 - сарфлагичлар; 6 – абсорбцион колнна; 7 – сув учун идиш; 9,14, 15 -аралаштиргичлар; 11,13,21,24, 25 -насослар; 12 - нутч-фильтр; 17 – МЭА учун идиш; 18, 19, 20 – аммоний селитраси, аммофос бўтқасининг тозаланган эритмаси калий хлориди учун идиш; 22 – стимулятор учун идиш; 26 – NPCa ли СКЎ ни сақлаш учун идиш; 27 - NPKCa ли СКЎ ни сақлаш учун идиш.

5-расмда СКЎнинг иккита нави –  $N: P_2O_5 = 1: 0,7$  (оғир.%.  $N_{\text{умум.}} - 15,12$ ;  $P_2O_{5\text{умум.}} - 10,42$ ;  $P_2O_{5\text{суб.}}:P_2O_{5\text{умум.}} =95,86$ ) ва  $N: P_2O_5: K_2O = 1: 0,7: 0,5$  (оғир.%.  $N_{\text{умум.}} - 12,96$ ;  $P_2O_{5\text{умум.}} - 9,06$ ;  $K_2O - 6,48$ ;  $P_2O_{5\text{суб.}}:P_2O_{5\text{умум.}} =95,79$ ) ларнинг материал баланси келтирилган. СКЎ ларнинг агрохимёвий самарадорлигини

ошириш мақсадида умумий массага нисбатан 1,5% стимулятор 1-моноэтаноламиногептин-2-ол-4 қўшилди.

Наманган илмий-тажриба станцияси дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг 3 ва 2 гектар майдонларда далада шароитида СКЎларнинг агрокимёвий синовлари буғдойнинг "Бобур" нави ва пахтаининг "С-8295" навларида ўтказилди. Бунда стимуляторлик фаолига эга СКЎлар назоратга нисбатан ўсимликларни ўсишининг тезлашиши 10-12 кунга ва ҳосилдорлигини ўртача 8-10 ц/га ошишига ёрдам бериши аниқланди.

1 т NРСа- ва NРКСа- ўғитларнинг  $N:P_2O_5 = 1:0,7$  ва  $N:P_2O_5:K_2O = 1:0,7:0,5$  навларининг таннархи мос равишда 3 396 164 ва 3 414 164 тенг эканлиги ҳисоблаб чиқилди. Бу ўғитларнинг таннархи 1 тоннаси 165 000 000 сўм бўлган MACROMIX ( $N:P:K = 16:16:12$ ) нисбатан бир неча баробар арзон эканлиги аниқланди.



**5-расм. Стимуляторлик фаолига эга NP- ва NPK = 1:0,7 ва 1:0,7:0,5 маркали СКЎлар ишлаб чиқаришнинг материал баланси.**

Ҳисоблар шуни кўрсатадики, 1 тонна NP- ва NPK- ўғит мос равишда 2 352 544 ва 2 269 070 сўм ташкил қилади, бу эса аммофосга нисбатан 1 247 456 ва 1 330 930 сўм арзон ҳисобланади.

### ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Нитрат кислотасининг Марказий Қизилқум фосфоритлари: БФУ, ЮҚФК ва ЮҚФКлари  $K_{нар}$  га таъсири ўрганилди. Нитрат кислотасининг

хомашёдаги СаО га нисбатан стехиометрик меъёри 80-120% бўлган ораликларда  $K_{нар}$  95% гача ортади, кейин эса деярли ўзгармайди. Маҳсулотнинг эримайдиган қолдиғи моно- ва дикальцийфосфат, гипс, парчаланмаган фторкарбонатапатит ва кумдан иборат.

2. Нитрат кислотали фосфат экстракти тиниқ суюқ фазаси МЭА нинг 50% ли эритмаси билан  $pH = 3,0-3,2$  гача нейтраллаши орқали, ЮҚФК асосида СКЎ бошланғич суспензиясини олиш жараёни тадқиқ қилинди. ЮҚФК ни кейинги тадқиқотлар учун обьект сифатида танлаш, унинг ОФУ дан кўра тоза ва ЮҚФК дан кўра тежамкорлиги билан изоҳланади. Нейтралланган бошланғич суспензиянинг кимёвий ва тузли таркиби аниқланди.

3. СКЎ бошланғич суспензиси, аммофос, аммоний нитрати ва калий хлориди асосида суспензиялашган NPCa- ва NPKCa- ўғитларни навлари таҳлил этилди. СКЎ таркибида қанчалик аммофос бўлса, тайёр маҳсулот таркибида шунча кўп азот ва фосфор,  $P_2O_5$  ҳамда СаО ларнинг нисбий ўзлашувчанлиги ва сувда эрувчан шакллари бўлади. Суспензиялашган СКЎ лар суюқ оқувчан бўлиб, бу уларни сақлаш, ташиш ва қўллаш жараёнларини осон кечишига ёрдам беради. СКЎ ларнинг барча навлари Ўрта Осиё шароитида кам учувчан бўлиб, ҳатто қишки ва баҳорги мавсумларда ҳам кристалланмайди.

4. Фаворский усулида ацетилен, ацетон, n-мой альдегидидан ДМСО ёки ДЭЭ муҳитида КОН иштирокида иккиламчи ва учламчи  $\alpha$ -ацетилен спиртлар (АС) синтези амалга оширилди. АС ва АСС олишнинг кинетик константаларини аниқлаган ҳолда аминоспирларнинг 10 та турлари олинди. Олинган стимуляторларни ИК- ва ПМР- спекртоскопик тадқиқот усуллари орқали биологик фаол моддалар эканлиги исботланди.

5. 1-моноэтаноламиногептин-2-ол-4 стимуляторини олишнинг мақбул баланси тузилди, иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланди ва технологик схемаси таклиф этилди. Пахта уруғини ацетилен спирти ва моноаминнинг 0,01% ли эритмаси билан ишлов берилганда уруғнинг униб чиқишини 7,5-9,5% га ва ниҳолни ўсишини 2-3 суткага тезлашишига ёрдам берди.

6., «Ifoda agro kimyo himoya» МЧЖ нинг тажриба қурилмасида фосфат хомашёсини нитрат кислотали парчалаш, аммофос, аммоний нитрати, калий хлориди ва 1,5% миқдордаги 1-моноэтаноламиногептин-2-ол-4 стимулятори асосида суспензиялаштирилган NPCa- ва NPKCa- ўғитлар, шунингдек тиниқ ҳамда суюқ NP- ва NPK- ўғитлар технологияси синовдан ўтди ҳамда маҳсулотларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқилди.

7. Суспензиялаштирилган NPCa- ва NPKCa-ўғитлар, шунингдек тиниқ ҳамда суюқ NP- ва NPK-ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилди, материал баланси ҳисобланди ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар амалга оширилди. Наманган дон ва дуккакли экинлари илмий-тадқиқот илмий-тажриба станцияси институтида синтезланган стимуляторлик фаолликка эга СКЎларнинг агрокимёвий синовлари буғдой ва пахтада ўтказилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ЗОКИРОВ СОЛИЖОН СОДИКЖОНОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЕ ЖИДКИХ  
СТИМУЛЯТОРНЫХ NРСа- И NPKCa-УДОБРЕНИЙ ПУТЁМ  
ПЕРЕРАБОТКИ ФОСФОРИТОВ ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ С  
АЗОТНОЙ КИСЛОТОЙ И ОРГАНИЧЕСКИМИ РАСТВОРИТЕЛЯМИ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.4.PhD/Т763 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте и Академии наук Республики Узбекистан, в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице. Научного семинара и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz))

**Научный руководитель:**

**Дехканов Зулфикахар Киргизбаевич**  
Доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Кучаров Бахром Хайриевич**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Султонов Боходир Элбекович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Ферганский политехнический институт**

Защита состоится «30» ноября 2021 г. в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г.Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71; e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института за № а-158 с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (160115, г.Наманган, ул. Косонсой, 7.). Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71.

Автореферат диссертации разослан «22» ноября 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от «22» ноября 2021 года).

**О.К.Эргашев**

Председатель научного совета по  
присуждению ученой степени, д.х.н.,  
профессор

**Д.Ш.Шеркузиев**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученой степени, к.т.н.,  
доцент

**М.М. Собиров**

Зампредседатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёной  
степени, д.ф.т.н., PhD



## **ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире к важнейшим факторам, определяющим роль сельского хозяйства в экономике страны, относятся количество и качество продовольствия, потребляемого населением. Для этого нужно повысить продуктивность продукта и улучшить его качество. Одним из основных перспектив развития сельскохозяйственного производства связано с повышением урожайности культур за счет внедрения новейших технологий обработки почвы, и, конечно, комплексного применения минеральных удобрений и средств защиты растений. В условиях острого дефицита водных ресурсов могут себя эффективно зарекомендовать жидкие комплексные удобрения (ЖКУ и СЖКУ) со стимулирующей активностью, которые способны резко повышать урожайность сельскохозяйственных культур, так как при капельном внесении они легко усваиваются растениями, и это имеет важное значение.

В мире ведутся научные исследования по удешевлению производства ЖКУ, которое основывается на азотнокислой переработке фосфатного сырья в присутствии органических растворителей, которые обогащает продукт с ростовыми веществами и обеспечивают стабильные суспензий благодаря способности их поддерживать примеси во взвешенном состоянии. В связи с тем уделяется отдельное внимание на нахождение оптимальной условия приготовления базисной суспензии на основе азотнокислой фосфатной вытяжки (АКФВ) и органического растворителя, очищенной от твердых взвесей аммофосной суспензии, разработке технологии получения суспендированных и прозрачных ЖКУ со стимулирующей активностью на основе суспензии АКФВ с моноэтаноламин, аммофоса, нитрата аммония, хлорида калия и биостимуляторов из группы аминок спирта.

В нашей Республике ведутся научные исследования по разработке технологий производства азотных, фосфорных, калийных и комплексных удобрений, как в твердом, так и жидком виде на основе местного сырья, и достигаются определённые результаты. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «...ускоренное развитие высокотехнологичных перерабатывающих производств, прежде всего производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья...»<sup>1</sup>. В этой связи, наращивание объема и ассортимента производства ЖКУ, очищенной аммофосной суспензии, нитрата аммония и хлорида калия с добавкой моноэтаноламина (МЭА) и биостимулятора для применения в сельском хозяйстве при внекорневой подкормке культур имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике – VII. «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** В научно-технической литературе имеется обширная база данных, включающая научно-исследовательские работы, опытно-промышленные испытания и производство ЖКУ и СЖКУ.

